**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

**ҚАРОРИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ**
**МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

**ҚАРАРЫ**

Нукус шахри — Нөкис қаласы

№ 192 «17» март 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3609-сонли қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3609-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги «2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3609-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017-2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарори қабул қилиниб, унинг доирасида амалий ишлар олиб борилаётгани инобатга олинганлиги;

б) Қуйидагилар билан;

2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш, хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш, янги инфратузилма объектларини барпо этишга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятида туризмни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлардан жалб қилинадиган туристлар сонини 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 1,9 карра ҳамда 2019 йилда 2,8 карра миқдорда ошириш бўйича прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятига ички туризмни ривожлантириш мақсадида республика ҳудудларидан жалб қилинадиган маҳаллий туристлар сони 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 1,7 карра ҳамда 2019 йилда 2,3 карра миқдорида ошириш бўйича прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) 1-иловадаги дастурга киритилган тегишли чора-тадбирлар маҳаллий бюджет параметрларида назарда тутилган маблағлар ва ижрочилар маблағлари доирасида молиялаштириш белгиланганлиги;

г) Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдухакимов) ва Самарқанд вилояти ҳокимлигига (Жўраев);

Дастурга киритилган чора-тадбирларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов), Ҳалқ таълими вазирлиги (Иноятов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Маджидов), Дин ишлари бўйича қўмита (Юсупов), Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси (Нарбаева), Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (Рафиков), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (Куранбоев), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди (Жавлонов), «Нуроний» жамғармаси (Жалилов) ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда ушбу қарорнинг 2-3-иловаларидаги прогноз параметрларда белгиланган кўрсаткичларга эришиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш топширилганлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарори билан тасдиқланган 2017-2019 йилларда Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳрининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури амалга оширилишининг назоратини таъминлаш бўйича Ишчи гуруҳга (Холмуродов) ҳар чорак якуни бўйича ушбу қарорда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарорида белгиланган устувор вазифалар ва чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботини жойига чиққан ҳолда эшитиш ҳамда юклатилган вазифалар ижросининг

бузилиши холатлари ва сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш вазифаси юклангалиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятига ички туризмни ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасидан жалб қилинадиган маҳаллий туристлар сонини ошириш бўйича прогноз параметрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари (Жуманов, Алеуов) Ҳалқ таълими вазирлиги (Аяпов), Ўрта махсус касб-ҳунар таълим бошқармаси (Сейтимуратов), Хотин-қизлар қўмитаси (Ибрагимова), Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (Жалменов), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши (Данияров), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди (Раманов), «Нуроний» жамғармаси (Уснатдинов), Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (Зарикеев), шаҳар ва туманлар хокимликлар ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда ушбу қарорнинг иловасидаги прогноз параметрларда белгиланган кўрсаткичларга эришиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси (Б.Кусекеев) мазкур қарорнинг 3-4-бандларида кўрсатилган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳар ой якуни бўйича Вазирлар Кенгашига ахборот тақдим этиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари Б.Хабибуллаев, М.Жуманов ҳамда М.Алеуовларнинг зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **К.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг
2018 йил «______»мартдаги
_______-сон қарорига
илова

**2018-2019 йилларда Самарқанд вилоятига ички туризмни ривожлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасидан жалб қилинадиган маҳаллий туристлар сонини ошириш бўйича прогноз параметрлари**

(минг киши)

| Самарқанд вилоятига ташриф буюрадиган ташкилотлар | Давр (йил) | Жами | январь | февраль | март | апрель | май | июнь | июль | август | сентябрь | октябрь | ноябрь | декабрь |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Маҳаллий сайёҳлар сони (прогноз)** | 2018 | 17,6 | 1,260 | 0,900 | 2,480 | 0,600 | 1,580 | 1,750 | 1,850 | 2,0 | 1,460 | 1,460 | 0,800 | 1,460 |
| | 2019 | 23,2 | 1,920 | 1,920 | 3,000 | 1,400 | 1,920 | 1,950 | 2,000 | 2,200 | 1,920 | 1,920 | 1,250 | 1,800 |
| **Қўшимча уюштириладиган ташрифлардаги сайёҳлар сони, шундан:** | 2018 | 5,3 | 0,361 | 0,290 | 0,952 | 0,233 | 0,407 | 0,490 | 0,496 | 0,559 | 0,573 | 0,289 | 0,244 | 0,346 |
| | 2019 | 7,0 | 0,478 | 0,375 | 1,308 | 0,303 | 0,545 | 0,663 | 0,668 | 0,760 | 0,775 | 0,379 | 0,316 | 0,455 |
| Касаба уюшмалари ва йирик иш берувчилар орқали вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар ишчи ходимлари ташрифи | 2018 | 1,9 | 0,160 | 0,158 | 0,192 | 0,130 | 0,158 | 0,165 | 0,159 | 0,158 | 0,158 | 0,145 | 0,152 | 0,165 |
| | 2019 | 2,4 | 0,202 | 0,200 | 0,243 | 0,164 | 0,200 | 0,208 | 0,201 | 0,200 | 0,200 | 0,183 | 0,192 | 0,208 |
| Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи орқали мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицей талабалари ташрифи | 2018 | 1,1 | 0,075 | 0,035 | 0,330 | 0,025 | 0,076 | 0,086 | 0,092 | 0,125 | 0,157 | 0,045 | 0,025 | 0,079 |
| | 2019 | 1,5 | 0,095 | 0,044 | 0,42 | 0,03 | 0,10 | 0,11 | 0,12 | 0,16 | 0,20 | 0,06 | 0,03 | 0,10 |
| Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи орқали олий таълим муассасалари талабалари ташрифи | 2018 | 0,5 | 0,030 | 0,015 | 0,125 | 0,010 | 0,040 | 0,055 | 0,050 | 0,065 | 0,060 | 0,015 | 0,010 | 0,025 |
| | 2019 | 1,0 | 0,059 | 0,030 | 0,246 | 0,020 | 0,079 | 0,108 | 0,098 | 0,128 | 0,118 | 0,030 | 0,020 | 0,049 |
| “Маҳалла” жамғармаси ва Хотин-қизлар қўмитаси орқали ёш ва намунали оилалар ташрифи | 2018 | 0,7 | 0,040 | 0,030 | 0,200 | 0,020 | 0,035 | 0,055 | 0,058 | 0,092 | 0,100 | 0,015 | 0,010 | 0,045 |
| | 2019 | 0,9 | 0,051 | 0,039 | 0,257 | 0,026 | 0,044 | 0,071 | 0,075 | 0,118 | 0,129 | 0,019 | 0,013 | 0,058 |
| Дин ишлари бўйича қўмита орқали Хаж ва Умра зиёратига боришдан олдин Самарқанд вилоятига уюштириладиган ташрифлар | 2018 | 0,1 | 0,004 | 0,002 | 0,025 | 0,008 | 0,012 | 0,018 | 0,015 | 0,019 | 0,013 | 0,012 | 0,010 | 0,005 |
| | 2019 | 0,2 | 0,007 | 0,003 | 0,041 | 0,014 | 0,020 | 0,030 | 0,025 | 0,031 | 0,021 | 0,020 | 0,017 | 0,008 |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **8** | "Нуроний" ва "Маҳалла" жамгармалари ва Дин ишлари бўйича қўмита орқали кексалар ва нуронийлар ташрифлари | 2018 | 0,5 | 0,035 | 0,025 | 0,045 | 0,030 | 0,045 | 0,059 | 0,075 | 0,085 | 0,050 | 0,042 | 0,032 | 0,012 |
| | | 2019 | 0,7 | 0,046 | 0,033 | 0,060 | 0,040 | 0,060 | 0,078 | 0,099 | 0,113 | 0,066 | 0,055 | 0,042 | 0,016 |
| **9** | Ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектлари ва бошқалар ташрифлари | 2018 | 0,3 | 0,017 | 0,025 | 0,035 | 0,010 | 0,041 | 0,052 | 0,047 | 0,015 | 0,035 | 0,015 | 0,005 | 0,015 |
| | | 2019 | 0,4 | 0,022 | 0,033 | 0,046 | 0,013 | 0,054 | 0,069 | 0,062 | 0,020 | 0,046 | 0,020 | 0,007 | 0,020 |

UMUMIY BO'LIM
UMUMIY BO'LIM